ЖССТ маълумотларига қараганда дунё аҳолисининг 1,7 млрд инсонларида тахминан 30%ида тана вазни ортиқчилиги аниқланган ва бу кўрсаткич хар 10 йилликда 10% га ошиши кузатилмоқда. Европа давлатларида 10-25% аҳоли семизликдан азият чекадилар ва АҚШда эса хар уч нафар инсонга битта семизлик тўғри келади. Сўнги 10 йилликда бутун дунёда ортиқча тана вазнга эга инсонлар сони 75% га кўпайган. Масалан, Англияда ўтган асрнинг 90 йилларида 33% дан 45%га, аёлларда 24%дан 34%га ва эркакларда 7%дан 16%га ошган. Россия федерациясида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 30%и ортиқча тана вазнга эга ва 25% аҳолиси семизлик касаллигига чалинган. Хитой халқ республикасида эса 33,6% аҳоли ортиқча тана вазнга эга бўлиб, 7,6% аҳолиси семизликдан азият чекади. Бугунги кунда болалар популяциясида ҳам семиришнинг кўпайиши жуда катта ташвиш уйғотади. Статистик маълумотларда бутун дунё 7-11 ёшар болаларида семизлик 7% дан 13% га ошган. АҚШда 11,1%, Россияда 6% ва Хитойда 3,6% ни ташкил қилади [2, 9, 51].

Ориқча тана вазнга эга аҳоли орасида артериал гипертензия (АГ), юрак ишемик касаллиги (ЮИК), миокард инфаркти (МИ), бош мияда қон айланиш ўткир бузилиш (БМҚАЎБ) ва қандли диабет (ҚД) каби касалликлар меъёрий тана вазнга эга аҳолига нисбатан 50% кўп кузатилиши аниқланган. Семизликнинг марказий тури яъни қорин соҳасидан (висцерал семизлик) семириш хавф омилини икки баробарга оширади. Чунки қорин соҳасидан семириш юрак қон томир касалликлари билан патогенетик жиҳатдан липид метаболизми бузилиши билан кореллятив боғлиқлиги аниқланган [10, 41].

Узоқ йиллар олдин МС катталар ва кекса ёшдаги аҳоли орасида айниқса эркакларда кўп учрайди, ёшлар умуман МС билан касалланмайди деб ишонишган. Ўша пайтлар ёш организм ёғ тўпланишга мойил эмас ва ўз метаболизмини нейрогуморал тарзда тартибга солиш учун сарфланади деб қарашган. Аммо кейинчалик замонавий жамият хаёт тарзи шиддат билан ўсиб бориши ва кучсиз жинс вакиллари кўпроқ МС билан касалланиши аниқланди. Шундай қилиб МС кўпроқ эркакларда учраши ва аёлларда кўпроқ менопауза пайтида тез ривожланиши аниқланди [1, 2].

Халқаро Қандли Диабет Федерацияси (IDF) маълумотларига кўра 2015 йилда бутун жаҳон аҳолисининг 415 млн инсонларида ҚД касаллиги аниқланган ва бу кўрсаткич 2040 йилга бориб 642 млн га кўтарилиши кутилмоқда. ҚД билан касалланган аҳоли қатламининг 12-15%и 1 тип ҚДга ва 85-88%и 2 тип ҚДга тўғри келади. 1 тип ҚД асосан ёшлар ва ўсмирин ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб жуда тез асоратлар вужудга келади ва вақтида тўғри ташхис қўйиб даволаш ишлари олиб борилмаса ўлимга олиб келиши кузатилган. 2 тип ҚД касаллиги асосан ёши катта ва кекса ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб баъзи ҳолларда симптомсиз кечиши ва тўғри ташхис қўйилмаслиги билан ажралиб туради, баъзи ҳолларда асоратлар туфайли ёки тасоддифан тиббий кўрик пайтида аниқланади. 1 тип ҚД касаллиги бутун дунё аҳолиси орасида учраши мумкин, 2 тип ҚД эса асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар орасида кенг тарқалган. ҚД касаллиги бутун дунёдаги ўлим кўрсаткичининг 6-7% ини ташкил қилади. Бу кўрсаткич жуда катта ҳисобланиб атеросклероз (58%) ва онкологик касалликлардан (17%) кейинги ўринни эгаллайди [27, 42].

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 5%ида ҚД касаллиги учраб, 2015 йилда 155 мингдан ортиқ ҚД билан касалланган аҳоли рўхатга олинган [3, 4, 5].

ЎТК билан оғриган беморларнинг аксарияти кекса ёшдаги инсонлар бўлиб, уларда турли хил ёндош касалликлар ва МС билан биргаликда келиши аниқланган. Кўп йиллар давомида бутун дунёда ЎТК ва МС одатдагидек ёши катта одамлар патологияси ҳисобланар эди, аммо бугунги кунга келиб жуда кўплаб эпидемиологик изланишлар натижасида ёшлар орасида ҳам барқарор кўтарилиш тендециясига эга бўлиб қолмоқда. Эрта ёшдаги болалар орасида ЎТК ва МСнинг биргаликда, кўплаб учраши хомиладорлик вақтидаги холестериногенезнинг бузилиши билан боғлиқ. Бир қатор изланишлар маълумотларига қараганда ЎТК ҳамда МС охириги ўн йилликда болалар орасида ўн баробарга (0,1 % дан 1,0 % гача) ва катта ёшдаги одамларда эса икки баробарга кўтарилиши кузатилган [18, 28, 30, 52, 53].

ЎТК, семизлик билан ҚД касаллиги бир бири билан яқиндан боғлиқлигини биринчи марта 1875 йилда француз шифокори А. Bouchard таърифлаб берган. Тибет тиббиётида ҳам VIII асрларда камҳаракат, нотўғри овқатланадиган семиз беморларда сийдик таркибида қанд миқдори кўпайишини ва бу ҚД касаллиги эканлигини айтиб ўтишган [35].

XX асрнинг охирида Framingham Study, Health Professionals' Follow-Up Study ва The Nurses' Health Study кенг қўламли илмий изланишларида семизлик ҚД касаллиги учун асосий хавф омилли эканлиги ишончли тарзда тасдиқланган. Ҳамширалик саломатлиги (The Nurses' Health Study) текширув натижаларига кўра ҳар бир килограм ортиқча тана вазн 4,5%га ҚД билан касаллиниш даражасини оширар экан. 8-9-10 кг ортиқча тана вазнга эга бўлишлик ҚД касаллигини 2,7 баробарга оширади. Ортиқча тана вазнга эга бўлишлик ҚД касаллиги келиб чиқишининг бир омилли бўлиб, ҳозирги кунда барча ҚД билан касалланган аҳолининг 20%ида семизлик аниқланади [28, 43].

Кенг қамровли эпидемиологик текширувларда аниқланишича ЎТК ни келтириб чиқарувчи хавф омилларига муҳим ўринда генетик мойиллик, гиперлипидемия ва аёл жинсига мансуб инсонлар кириши тасдиқланган. Қўшимча хавф омиллари эса, ёш билан боғлиқ бўлиб 50 ёшдан ошган аҳоли орасида, ҚД билан касалланган беморлар, гиподинамия, калорияси юқори ёғ ва углеводларга бой озиқ овқат истеъмол қилувчилар кириши аниқланган. Эркаларда қўшимча хавф омиллари бўлиб меъридан ортиқ тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, камҳаракатлилиқ ҳамда йирик шаҳарларда истиқомат қилиш бўлса, аёлларда эса, хомиладорлик ва репродуктив даврда, эстроген препаратларини, узоқ муддат давомида орал контрацептик препаратларни қабул қилиши аниқланган [19, 44].

Сўнги йилларда ЎТК ва МС синтропиясининг ўзаро боғлиқлиги кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат эътиборида бўлган, аммо хозргача ушбу касалликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўлиқ ўрганилмаган бўлиб ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда. Баъзи тадқиқотчилар МСнинг даражасига қараб ЎТКни келиб чиқиши мумкинлигини аниқлаганлар [18].

МС патогенезида инсулинорезистентлик, гиперинсулинемия, гиперлипидемия, гипергликемия асосий ўринда туради. ЎТК ҳамда МС биргаликда келганида 20% ҳолларда гипергликемия, 38,18%да углеводга толерантлик бузилишлари, 25,46% ҳолатда ҚД касаллиги ва 16,36% ҳолларда углевод алмашинув бузилмаслик ҳолатлари кузатилган. ЎТКнинг турли босқичларида айниқса ўт қопида тошлар ҳосил бўлишининг илк даврларида инсулин миқдори юқори бўлиши аниқланган ва бу гиперинсулинемия ЎТК келиб чиқишида асосий хавф омилларига киритилган [7].

Бир неча йиллик клиник амалиётдан маълумки ЎТК билан касалланган аёллар барчасида ҳам МС ёки семизлик аниқланмайди. Бунда ҳолларда ушбу гуруҳ беморларда нисбий базал гиперинсулинемия бўлиб, иммунореактив инсулин базал концентрацияси юқори ҳисобланади. ҚД касаллиги билан оғриган беморлар, контрацептик воситаларни орал ёки парентерал усулда қабул қилувчи, 40 ёшдан ошган ва кўп туғувчи аёллар, метеоризм ва семизлиги бор инсонлар ЎТКга мойил бўлишади [16].

ЎТК билан касалланган кўпчилик беморларда липидпероксидация жараёнлари активлиги ошиши кузатилган бўлиб, липидпероксидация жараёнлари эса қон зардобидидаги

липопротеидлар миқдорини бошқариши издан чиқиб МС билан касалланган беморларда холестеринли тошлар ҳосил бўлишига олиб келиши кузатилган [12].

ЎТК ва МС билан оғриган беморларнинг касалликни ривожланиши эрта босқичларида дислипопротеидемия яъни гиперхиломикронемия, гипер- β -липопротеинемия, гипо- α -липопротеинемия ва гипертриглицеридемия билан тасвирланади. Бошқа бир илмий текширув ишларида ЎТКнинг турли босқичларида липидлар спектирининг биргаликда бузулишлари яъни гиперхолестеринемия, триглицерид, паст зичликли липопротеид миқдорининг ошиши ва гипо- α -липопротеинемия бўлиши аниқланган [1, 13, 21].

Гепатоцидлар мембранасида кам зичликли липопротеинлар рецепторлари функциясининг пасайиши ёки сонини камайишидан холестеринни жигардан чиқарилиш транспортировкасини бузулиши ҳам ЎТК ва МС ривожланишининг бир сабаби бўлиши мумкин деб қаралади. Бундан ташқари холестеринни оксидланиш даражаси пастлигидан ҳам гиперхолестеринемияга сабабчи бўлиши бир қанча илмий адабиётларда келтирилган. Кўпчилик соҳа мутахассислари ЎТК ва МС биргаликда келганида липидлар метаболизми бузилишларини яъни қон зардобида умумий холестерин миқдорининг баланд бўлиши ҳамда ўт суюқлигининг холестеринга тўйингалигини аниқлаганлар [21].

Бир қатор манбаларда ЎТК ва МС биргаликда учрашида гиперлептинемия ҳамда гипоадипонектинемия билан боғлиқлиги, ортиқча тана вазнига эга аҳоли орасида инсулинорезистентлик ва ЎТК ривожланиши қон зардобидаги лептин даражаси билан ўзаро боғлиқ эканлиги аниқланган. Олиб борилган айрим тадқиқотларда лептин холестеринни эрта кристаллизацияси ва ўт пуфагида тошлар ҳосил бўлиши аниқланган, аммо бошқа тамондан лептин липидларнинг ўт суюқлигига ажралишини ва холестеринга тўйинишини камайтиради, лептин ўт суюқлигининг гидрофоблигига таъсир қилмасдан гидрокси-метил-глутарил-Ко-А-редуктаза фаоллигини камайтириб, жигарда холестерин тўпланишини олдини олади ва қон зардобидаги юқори зичликли липопротеин миқдорини камайтириши аниқланган [34].

ЎТК ҳосил бўлишининг умумий белгиларидан бири бу семизликдир. Ортиқча тана вазнига эга бўлган аҳоли ўт суюқлигида холестерин миқдори ўт кислотаси ва фосфолипидларга нисбатан баландлигидан ўт суюқлигининг литогенлик индекси юқорироқ бўлади, бу эса холестериннинг эрта кристаллизацияси ва ўт тошларининг ҳосил бўлишига олиб келади [25].

Асосий ўринда ўт қоғида тош ҳосил бўлиши, жигарда липид алмашинувининг бузилиши орқали холестерин ажралиши ошади ва сафро суюқлигида холестерин моногидрат кристалларидан чўкма пайдо бўлади. Функционал жиҳатдан ўзгарган гепатоцитларнинг метаболик бузулишлар шароитида холестерин миқдори ошиши билан нотўлиқ ўт мицелласи синтезланади ва фосфолипид миқдори камаяди, бу эса ўт суюқлигининг литогенлигини оширади. Ўт қоғидаги холестеринга тўйинган ўт суюқлиги ўз навбатида ўт қоғи деворидаги муцин ажралишини кўпайтиради ва натижада ўт суюқлиги микролитларининг агрегацияси ошади. Кўпчилик илмий изланишларда ЎТК, МС билан биргаликда келганида қон зардобида айниқса, нуклеация пайтида инсулин миқдори юқори даражада бўлади [32, 64].

Охирги пайтдаги экспериментал изланишлар ва клиник кузатувлар шуни кўрсатадики, семизликда, ўт суюқлигида доимо холестериннинг юқори миқдорида бўлиши ўт қоғи деворида ёғли инфилтрацияси пайдо бўлади (холецистостеатоз) [39, 65].

О.В.Гаус ва В.А.Ахмедовларнинг илмий изланишларида, МС белгилари бор аҳоли орасида ЎТК пайдо бўлиш эҳтимоллиги юқори эканлигини билдирганлар. Ўт қоғида тош ҳосил бўлиш даражасини ёш, семизлик даражаси, биохимик қон таҳлиллардан гамма-глутамил-транспептидаза (ГГТП) ва иммунологик параметрлардан матрикс металлопротеиназа-9 (ММП-9), тўқима ингибитори матрикс металлопротеиназа-1 (ТИМП)ларнинг миқдори юқори бўлиши билан боғлайди [17].

МСнинг ривожланиш сабабларидан бири бу ташқи омил яъни ёғли озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб истеъмол қилишдир. Инсон танасида кўплаб ёғ массаларининг тўпланиши кўпроқ тўйинган ёғ кислоталарини ўз ичига оладиган хайвон ёғ маҳсулотларини истеъмол қилиши билан боғлиқлиги кўплаб кузатилган. Организмга меъеридан ортиқча қабул қилинган ёғлар миқдорининг сарфланишидан ошиб кетадиган бўлса тўйинган ёғ кислоталари

хужайра мембранасидаги фосфолипидлар структурасининг ўзгаришига ҳамда инсулин сигналининг хужайрага ўтказилишини бошқарувчи генлар экспрессиясининг бузилишига олиб келиши аниқланган. Бундан ташқари ёғлар калория жиҳатидан оксил ва углеводларга нисбатан юқори туради яъни 1 грамм ёғда 9 ккал, 1 грамм оксил ҳамда углеводларда эса 4 ккалдан [2, 36].

МС ва унинг компонентлари инсонлар ҳаёт сифатининг ёмонлашувига, эрта ногиронликга ҳамда муддатдан олдин ўлимга олиб келишини тиббий амалиётимиз давомида қўплаб кузатмоқдамиз ва бу жараёнлар бир қанча илмий адабиётларда ҳам батафсил ёритилиб берилган. МС кузатилган беморларда юрак қон томир патологияларидан ЮИК, ИМ, БМҚАЎБ, АГ ҳамда гепатобиллиар патологиялардан ЎТК ва биллиар гепатит (биллиар цирроз) каби қўшимча касалликлар ривожланиш хавфи 2,5 баробарга ортиши аниқланган [37].

МС висцерал ёғ массасининг кўпайиши, периферик тўқималарнинг инсулин ва гиперинсулинемияга сезгирлигининг пасайиши билан тасвирланиб, бунинг натижасида липид, углевод ва пурин алмашинувининг бузилишларини келтириб чиқариши билан баҳоланади.

МСнинг илк асосий белгилардан бири бу марказий типдаги семизликдир (абдоминал семизлик ёки висцерал семизлик). Эркакларда бел айланаси 80 смдан ва аёлларда 94 смдан юқори бўлса висцерал семизлик ташхисини қўйиш мумкин. Қўшимча белгилардан АҚБ нинг баланд бўлиши ($\geq 140/90$ мм см.ус.), қондаги триглицерид миқдорининг баландлиги ($\geq 1,7$ ммоль/л), қондаги ХС юқори зичликли липопротеид (ЮЗЛП) миқдорининг камайиши (эркакларда $<1,0$ ммоль/л; аёлларда $<1,2$ ммоль/л) [39].

МС патогенезида 3 хил механизм ажралиб туради. Булар висцерал семириш, ҚД ва гипертония бўлиб (ўзаро бир бири билан боғлиқ ҳолда) ҳар қандай метаболик ҳамда гемодинамик жараёнларни патологик ўзгаришларига олиб келиши кузатилган. Семизлик билан боғлиқ бўлган гиперинсулинемия ва бошқа метаболик касалликлар танадаги маълум даражада тарқалганлиги билан кузатилиши аниқланган. Масалан, висцерал семизликда организмдаги ортикча ёғлар мезентерия ва катта чарвида йиғилади. Ушбу тур семизликда 2 тип ҚД ва юрак қон томир патологиялари ривожланиш эҳтимоллигини оширади. Висцерал ёғ тўқималари (тери ости ёғ тўқимасидан фарқли равишда) кучли ривожланган иннервация ва капиллярларга бой бўлиб бевосита портал тизими билан алоқада бўлади. Ёғ хужайраларда (адипоцитлар) триглицеридлар (ТГ) парчланади ва эркин ёғ кислотаси (ЭЁК) ҳосил бўлади кейинчалик улар тўғридан-тўғри жигар портал венасига ўтади. Жигарда ЭЁКларнинг миқдори ошиши гликолиз, гликогенез ва кребс цикли ферментларини фаоллигини сусайтиради ҳамда жигарда глюконеогенезнинг кучайишига олиб келади. Жигарда ЭЁКлари миқдорининг ошиши инсулинни гепатоцит рецепторлари билан боғланишини пасайишига олиб келади ва бу эса инсулинрезистентликни ривожланиш механизми ҳисобланади. Жигарда ЭЁКларнинг кўпайиши жуда кичик зичликли липопротеидлар (ЖКЗЛП) синтезини фаоллаштиради. ЖКЗЛП лар ТГ лардан иборат бўлиб, қонда ТГ миқдорининг ошиши гиперлипидемия ва инсулинорезистентликни кучайишига олиб келади. Шундай қилиб инсулинрезистентликнинг ривожланиши организм умумий тана вазнига эмас, балки, висцерал ёғлар миқдорига боғлиқ бўлиб, асосий ўринда ЭЁК ҳисобланади. Бундай ҳолларда инсулинорезистентлик висцерал семизликдан кейин ривожланиши аниқланган. Шу билан биргаликда, висцерал семизлик (инсулинорезистентликнинг дастлабки аломати) иккиламчи бўлиб, инсулинорезистентлик ва гиперинсулинемия натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Гиперинсулинемия ҳамда инсулинорезистентлик биргаликда ёғларнинг тўпланишига, адипоцитларда глюкоза ва ёғларнинг чўкишига замин яратади. Бошқа томондан гиперинсулинемия ёғларнинг парчаланиш жараёнларни издан чиқариб семизликнинг кучайишига олиб келади. Юқоридагилардан ташқари гиперинсулинемия гипоталамус марказларига таъсир қилиб гиперфагияга олиб келади ва натижада семизлик янада кучли ривожлана боради [10, 13, 35, 45, 66].

ЎТК ва МС касаллиги ривожланишида липидлар алмашинуви бузилиши муҳим аҳамият касб этади. Жигарда липидлар (холетерин (ХС), фосфолипидлар (ФЛ),

триглицеридлар (ТГ)) ва липопротеинлар (ЛП) метаболизмга учрайди. Липидлар сувда еримайди, липопротеинлар гидрофоб ҳисобланади ва сирти гидрофил бўлганлиги учун қон плазмасига ўтиши аниқланган. Холестериндан ўт кислотаси, стероид гормонлар ва Д витамини ҳосил бўлади. Эндоген ва экзоген холестеринлар фарқланади. Эндоген холестерин кўп ҳолларда жигарда ҳосил бўлади ва умумий холестериннинг 2/3 қисмини ташкил қилади, экзоген холестерин эса овқат билан ташқи муҳитдан организмга киради ва умумий холестериннинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Экзоген холестерин ёғли мицелла бир қисми сифатида ичакда сўрилади. Мицеллалар ингичка ичак эпителий хужайралардан сўрилади ва холестерин гепатоцитларга етиб бориб ўт суюқлиги билан чиқарилади. Эндоген холестерин жигар хужайралардаги ва ичак шиллиқ қаватидаги ацетил-КоА дан ҳосил бўлади. Жигар хужайралардан холестерин, холестерин эфери, ўт кислотаси ва эркин холестерин кўринишида ҳосил бўлади. Холестерин ажралиши ва ҳосил бўлиш жараёни мувозанатининг бузилишидан ЎТК келиб чиқади [9, 18, 21, 46, 47, 54].

Ўт кислотаси энтерогепатик циркуляция натижасида жигарга келгач, холестериннинг оксидланишида иштирок қиладиган жигар ферменти ингибитори сифатида таъсир қилади. Шунинг учун ўт кислотасининг нажас билан чиқиши кўпайса, холестериннинг оксидланишига ва организмдаги микдори камайиши олиб келади. [24].

Фосфолипидлар ҳам худди холестерин каби хужайра мембранаси таркиби ҳисобланади ва организмдаги барча тўқималарда учрайди. Фосфолипидлар қон плазмасининг ва хужайра мембранасининг асосий қисми фосфатидилхолин (лецитин) сифатида ифодаланиб ўт пуфагининг яллиғланиш жараёнида асосий рол ўйнаши мумкин. Фосфолипидлар ўт суюқлигига аввало холестерин билан биргаликда фосфолипид-холестерин кўринишида, кейинчалик холестеринга тўйинган мицелл ва охирида кристаллар ҳосил бўлади [22, 28, 48].

Липопротеинлар – оқсиллар ҳисобланиб холестерин, триглицерид ва бошқа малекулаларни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Липопротеин таркибида холестерин, триглецирид, фосфолипид ва аполипопротеинлар мавжуд. Липопротеинлар ички қисми (ядроти) гидрофоб ҳисобланиб таркиби холестерин ва триглециридан иборат. Ташқи қисми эса гидрофил бўлиб таркибида фосфолипид, эркин холестерин ва аполипопротеиндан иборат. Аполипопротеинлар липидлар алмашинувида яъни етказиб бериш ва олиб кетишда, холестерин ва триглециридларни эритишда иштирок қилади [32, 38].

МСнинг келиб чиқишида генетик мойиллик асосий хавф омиллардан бири ҳисобланади. Бир қанча илмий адабиётларда 19 хромосомада жойлашган инсулин рецепторлари генининг 50 дан ортиқ мутациялари тасвирланган. МСнинг кўринишларидан бўлган семизлик ва қандли диабет касаллиги бор беморлар оилаларида ҳамда авлодларида ҳам шу касалликлар учраш ҳолатлари кўплаб учраган [23, 33, 56, 68].

ЎТК ва МС синтропиясининг этиологик омиллари атроф муҳит ва генетик бўлиши аниқланган. ЎТК ва МС ривожланишида кўпчилик тадқиқотчилар липидлар метаболизи бузилишини илгари сурадилар. Қон зардобидаги липидлар, уларнинг метаболизи ирсият билан боғлиқлиги кўпчилик илмий адабиётларда ўз исботини топган бўлиб юқори зичликли липопротеидлар 40-60%, паст зичликли липопротеидлар 40-50%, триглицеридлар эса 35-48% ҳолларда генлар полиморфизми орқали бузулиши аниқланган [20, 26, 29, 57, 67].

Инсонлар популяциясининг 25%ида холестерин транспортировкасини бошқарувчи ABCG8 генининг умумий мутациялари учраб, бу ҳолатда ЎТК ва МС ривожланишининг асосий омиллардан бири эканлиги аниқланган. Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ABGG8 19Н литогенлик вариантыни ташувчи ген бўлиб, қон зардобида стерол микдори камайиши ва холестериннинг ошиши билан унинг сўрилиши камайиши ҳамда биосинтезининг фаоллашуви билан намоён бўлади. Бу жараён клиник амалиёт жиҳатидан жуда аҳамиятли бўлиб даволаш профилактика ишларида HMG-Co-A редуктаза ингибиторлари қон зардобида холестерин микдорини камайтиришда самарали ҳисобланиши аниқланган [40, 49, 50, 60, 61].

ЎТК ва МСнинг биргаликда келишида бир қанча генлар полиморфизми ва уларнинг бир бири билан боғлиқ ҳолда келиши аҳамиятли бўлиб, аполипопротеин E ва G5 ҳамда G8 АТФ билан боғловчи кассетларни қодловчи генлар полиморфизми муҳим омиллардан

ҳисобланиши бир қатор тадқиқотларда ўз исботини топган. МСнинг мавжудлиги ЎТКни келиб чиқишида муҳим омил бўлиб ёки тескари ҳолат ЎТКнинг бўлиши МС келиб чиқишида аҳамиятли бўлиб, генетик жиҳатдан бир бири билан боғланганлиги аниқланган [11, 20, 40, 58, 59].

Маълумки, ўт қопада тош ҳосил бўлиши яъни ЎТК келиб чиқишида холестерин эрта кристаллизацияси, ўт суюқлигининг холестеринга тўйиниши, холестериннинг ўт қопа деворида ва ўт қопада бўшлиғида йиғилиб қолиши, холестерин транспортида аҳамиятга эга бўлаган оқсиллар алмашинувининг бузулиши, ўт қопа моторикасининг бузулишидан (дискенезия) ўт суюқлиги димланиши (холестаз), ўт қопа ва ўт йўллари яллиғланишидан шиллиқ гиперсекрецияси, дислипидемия ва генетик мойиллик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [8, 62].

Кўпчилик олимларнинг аниқлашича ЎТК келиб чиқишида генетик тамойиллар хавф омили ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ЎТК билан оғриган беморларнинг қариндошларида 5 баробар кўпроқ холелитиаз касаллиги аниқланади, монозиготали эгизакларда 12% га ва дизиготали эгизакларда 6% га хавф ортади [14].

Л.М.Стинтон маълумотларида ЎТК ривожланиши бир неча генларнинг ўзаро мураккаб таъсири ва атроф муҳит омили билан боғлиқлиги келтирилган. Бир неча йил олдин олимлар ЎТК ривожланишида иштирок қиладиган жигар липидларини бошқарувчи, холестерин метобализмида иштирок қилувчи липопротеин рецепторлари бузулиши, сафро тузлари ёки фосфатидилхолин ташувчилари, липид ва сафро тузларини тартибга солувчи омилар, ўт пуфагининг мотор тизимига таъсир қилувчи холецистокинин ва унинг рецепторлари оқсилларини қодловчи бир неча синфларга бирлаштирилган 55 га яқин гени аниқладилар.

ЎТК ривожланишида иштирок қилувчи генлар асосан 3, 4, 9 ва 11 хромосомаларда жойлашган деб тахмин қилинади. Аполипопротеин Е (АПОЕ) ва В (АПОВ), холестерин транспортировкасида иштирок қилувчи оқсил гени (СЕТР), холестерин 7- α -гидроксилаза, холецистокинин рецепторлари (ССКАР) ва паст малекулали липопротеин рецепторлари (LDLR) генлари алоҳида ўрни аниқланган [23, 40, 63].

1990 йилларга келиб ЎТК билан боғлиқ генларни аниқлаш учун илмий изланишлар натижасида ABCG5 ва G8 каби холетерин алмашинувида иштирок этувчи генлар аниқланган [23, 60].

ЎТКда ўт кислотаси ва холестерин мувозанатини, метаболизмини бузилишида муҳим аҳамият касб қиладиган генлар полиморфизминини аниқлашда катта миқдорда молекуляр-генетик ишлар олиб борилган. Баъзи муаллифлар ўт қопада тош ҳосил бўлишида яллиғланиш жараёнлари ҳам генлар полиморфизми билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтишган [29].

Ягона ген дефекти ва мутацияси натижасида холелитиаз касаллиги келиб чиқишини Pullinger C.R. et al. (2002) аниқлаган. У гомозиготали беморларда холестерин-7 α -гидроксилаза (CYP7A1) етишмаслигидан гипертриглециридемия ва гиперхолестеринемия бўлишини холелитиаз касаллигининг патогенетик асоси деб илгари сурган.

Rosmorduc O. et al. (2003) изланишларида эса ABCB-4 гени таъсирида билиар сладж, ўт пуфагида холестеринли тошлар ҳосил бўлиши билан тошли холецистит касаллиги туфайли холецистэктомия бўлган беморларда яна қайта жигар ичи холестази ва холелитиаз касаллиги билан оғришини кузатган. Холестеринли ўт тошлари ҳосил бўлиши патофизиологик асосида ABCB-4 гени бузилиши ётади, лекин кўпгина изланишларида сичқонлар популяциясида бу ген аниқланмаган.

Lammert F. ва Sauerbruch T. (2005) аниқлашича инсон организмда АПО-В, АПО-Е, ABCB-11, ABCB-4, СССКАР, СЕТР, CFTR каби генлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири холестерин, ўт кислотаси, липопротеин ва тузларнинг синтези ва транспортовкасини таъминлашда маъсул ҳисобланадилар.

Lancellotti S. et al., (2005) изланишларида Аро-В гени мутациясидан оилавий гепобеталилипидемия натижасида ўт суюқлигида холестеринли тошлар ҳосил бўлиши билдирилган.

Ўт суяқлигида тош хосил бўлиш ва ЎТК касаллиги келиб чиқиши механизмини Finzi L. et al. (2006) яллиғланиш жараёнлари ва муцин ишлаб чиқишини ошиши билан боғлайди. Унинг ишларида ўт копи шиллик қаватларида эрта яллиғланишидан (шиллик қавати нейтрофил инфильтрацияси) муцин геллари тўпланади ва кристаллар кейинчалик тош хосил бўлади (сичқонларда ўрганган). Шу билан биргаликда муаллиф ўт тош касаллигида MUC5AC ва MUC2 генлари ўзгариши натижасида муцин ишлаб чиқариши ошишини, EGF-R (эпидермал ўсиш омили рецепторлари) воситасида TNF α синтезининг асосий ўрин эгаллашини айтиб ўтган. Ўт пуфаги эпителий тўқимаси In vitro текширилганда муцин ишлаб чиқариши TNF α таъсиридан эканлиги кўрилган. Изланишлардан MUC5AC гени ўзгаришидан муциннинг ўт пуфаги бўшлиғи ва шиллик қават бурмаларда тўпланиши, MUC2 гени эса жигар ичи холелитиазга жавобгарлигини аниқлашган.

Ю.П.Лисицининг (2002) фикрича инсон соғлиги 50-55% холларда яшаш шароити ва турмуш тарзига, 20-25% холларда атроф муҳитига, 15-20% холларда генетик омилга ва 10-15% холларда соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ экан.

ЎТК ва МС билан касалланган инсонлар геномини ўрганиш ва бу коморбид патологияларни тубдан ўрганиш ҳамда касалликнинг ривожланишини башорат қилиш келажакда бу касалликлар синтропиясининг бирламчи профилактикасини олиб боришда муҳим омил ҳисобланади. Маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигининг камайишига олиб келувчи касалликлардан бўлган ЎТК ва МС ривожланишининг келиб чиқиш сабабларини, эрта ташхислаш усулларни яратиш ҳозирги кундаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Хулосалар:

1. Демак, ЎТК ва МС синтропиясини клинко-этиопатогенетик ривожланиш механизмлари жуда кўплаб ўрганилганига қарамасдан ҳозирги давргача баҳсли ва мунозаралигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам янада чуқурроқ ва молекуляр даражада ўрганиш бугунги кундаги тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. ЎТК ва МС нозологик синтропияси сўнги пайтларда дунё аҳолиси орасида тарқалиш частотаси жуда тезлиги ва айниқса ёшариш кузатилаётганини ҳисобга олиб, профилактик чора тадбирлар режасини ишлаб чиқиш нафақат амалий ва назарий, балки, жуда катта тиббий-ижтимоий аҳамият ҳам касб этади.

3. ЎТК ва МС нозологик синтропиясини умумий диагностика мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда бу тоифадаги аҳолига индивидуал тиббий хизмат кўрсатиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

4. ЎТК ва МС синтропияси 40-60 ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, жуда хавфли асоратларнинг кўплигини ҳисобга олиб, қўшимча ёндош касалликларини вақтида ва тўғри ташхислаб, аниқ стандартлар асосида даво чораларини кўриш замонавий тиббиётнинг асосий вазифалари бўлиши керак.

Ўт тош касаллиги (ЎТК) ҳамда Метаболик синдром (МС) – овқат ҳазм тизими патологиялари ичида энг кўп тарқалган ва соғлиқни сақлаш тизимига катта маолиявий зарар етказувчи касалликларидан ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ер шарининг 10-15% аҳолисида ЎТКни аниқланади ва бу кўрсаткич ҳар ўн йилда 2 баробарга ўсиши кузатилмоқда [14, 19, 31, 38]. МС ҳам жуда кенг тарқалган патологиялардан бўлиб ЖССТ мутахассислари ХХІ аср пандемияси деб таърифлайдилар ва бутун дунё аҳолисининг 20-40% ини ташкил қилади. МС ўрта ёшар аҳоли орасида NTERHEART тадқиқотларига кўра (NCEP ATP III мезонлари бўйича) 26% ни ташкил қилади. Ачинарли ҳолатлардан бири кейинги йилларда ёшариш кузатилмоқда ва жамиятнинг фаол маҳнатга лаёқатли қатлам аҳолисини қамраб олмоқда. МС семизлик билан 49% ва кандли диабет билан 80% холларда бирга келиши аниқланган [1, 6].

ЎТК ва шу билан биргаликда МС ҳам айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар аҳолисида кўпроқ учраши аниқланган. Масалан, ЎТК Германия аҳолисида 10-15%, Швеция аҳолисида 32%гача, Скандинавия олимларининг маълумотларида эса 53% аёллар ва 32% эркеклар холелитиаз касаллиги билан оғрийдилар. Норвегия популяциясида 20-70 ёш

аҳоли орасида 21,9% ни, шу жумладан эркакларда 17,7% ва аёлларда 21,2% ни ташкил қилади. ЎТК учраши 50-60 ёшдаги аҳоли орасида кўпроқ яъни эркакларда 14% ва аёлларда 20,2% ни ташкил қилади. Европа, Шимолий ва Жанубий Америка ўрта ёшдаги аҳолисида холелитиаз касаллиги 10-15%ни, 50 ёшдан ошган аҳоли ўртасида эса 14-20% ни ташкил қилади. Ўтказилган барча аутопсияларнинг 30% ида ЎТКнинг борлиги аниқланган. 65 ёшгача бўлган эркаклар орасида ЎТК касаллиги 6,7% гача, аёлларда 14,6% гача ҳолларда учраса, 65 ёшдан катталарда бу кўрсаткич эркакларда 17,5% ни, аёлларда 27,7% ни ташкил қилади. Тахминан 60 ёшдан ошган аҳолининг тўртдан бири ва 70 ёшдан ошган аҳолининг учдан бири ЎТК билан касалланади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, охириги ўн йилда ЎТКга чалинганлар сони икки баробаргача кўпайган ва бу кўрсаткич ўсишда давом этмоқда. Кейинги йилларда ёшларда ҳам, эркаклар орасида ҳам бу касаллик учраши ҳоллари кўпайиб бормоқда. Лекин барибир, аёлларнинг эркакларга қараганда икки марта кўп касалланиши қайд қилинмоқда [15, 19, 38, 55].

ЖССТ маълумотларига қараганда дунё аҳолисининг 1,7 млрд инсонларида тахминан 30%ида тана вазни ортиқчилиги аниқланган ва бу кўрсаткич хар 10 йилликда 10% га ошиши кузатилмоқда. Европа давлатларида 10-25% аҳоли семизликдан азият чекадилар ва АҚШда эса хар уч нафар инсонга битта семизлик тўғри келади. Сўнги 10 йилликда бутун дунёда ортиқча тана вазнга эга инсонлар сони 75% га кўпайган. Масалан, Англияда ўтган асрнинг 90 йилларида 33% дан 45%га, аёлларда 24%дан 34%га ва эркакларда 7%дан 16%га ошган. Россия федерациясида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 30%и ортиқча тана вазнга эга ва 25% аҳолиси семизлик касаллигига чалинган. Хитой халқ республикасида эса 33,6% аҳоли ортиқча тана вазнга эга бўлиб, 7,6% аҳолиси семизликдан азият чекади. Бугунги кунда болалар популяциясида ҳам семиришнинг кўпайиши жуда катта ташвиш уйғотади. Статистик маълумотларда бутун дунё 7-11 ёшар болаларида семизлик 7% дан 13% га ошган. АҚШда 11,1%, Россияда 6% ва Хитойда 3,6% ни ташкил қилади [2, 9, 51].

Ориқча тана вазнга эга аҳоли орасида артериал гипертензия (АГ), юрак ишемик касаллиги (ЮИК), миокард инфаркти (МИ), бош миёда қон айланиш ўткир бузилиш (БМҚАЎБ) ва қандли диабет (ҚД) каби касалликлар меъёрий тана вазнга эга аҳолига нисбатан 50% кўп кузатилиши аниқланган. Семизликнинг марказий тури яъни қорин соҳасидан (висцерал семизлик) семириш хавф омилини икки баробарга оширади. Чунки қорин соҳасидан семириш юрак қон томир касалликлари билан патогенетик жиҳатдан липид метаболизми бузилиши билан қореллятив боғлиқлиги аниқланган [10, 41].

Узоқ йиллар олдин МС катталар ва кекса ёшдаги аҳоли орасида айниқса эркакларда кўп учрайди, ёшлар умуман МС билан касалланмайди деб ишонишган. Ўша пайтлар ёш организм ёғ тўпланишга мойил эмас ва ўз метаболизмини нейрогуморал тарзда тартибга солиш учун сарфланади деб қарашган. Аммо кейинчалик замонавий жамият хаёт тарзи шиддат билан ўсиб бориши ва кучсиз жинс вакиллари кўпроқ МС билан касалланиши аниқланди. Шундай қилиб МС кўпроқ эркакларда учраши ва аёлларда кўпроқ менопауза пайтида тез ривожланиши аниқланди [1, 2].

Халқаро Қандли Диабет Федерацияси (IDF) маълумотларига кўра 2015 йилда бутун жаҳон аҳолисининг 415 млн инсонларида ҚД касаллиги аниқланган ва бу кўрсаткич 2040 йилга бориб 642 млн га кўтарилиши кутилмоқда. ҚД билан касалланган аҳоли қатламининг 12-15%и 1 тип ҚДга ва 85-88%и 2 тип ҚДга тўғри келади. 1 тип ҚД асосан ёшлар ва ўсмирин ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб жуда тез асоратлар вужудга келади ва вақтида тўғри ташхис қўйиб даволаш ишлари олиб борилмаса ўлимга олиб келиши кузатилган. 2 тип ҚД касаллиги асосан ёши катта ва кекса ёшдаги аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб баъзи ҳолларда симптомсиз кечиши ва тўғри ташхис қўйилмаслиги билан ажралиб туради, баъзи ҳолларда асоратлар туфайли ёки тасоддифан тиббий кўрик пайтида аниқланади. 1 тип ҚД касаллиги бутун дунё аҳолиси орасида учраши мумкин, 2 тип ҚД эса асосан иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар орасида кенг тарқалган. ҚД касаллиги бутун дунёдаги ўлим кўрсаткичининг 6-7% ини ташкил қилади. Бу кўрсаткич жуда катта ҳисобланиб атеросклероз (58%) ва онкологик касалликлардан (17%) кейинги ўринни эгаллайди [27, 42].

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 5%ида ҚД касаллиги учраб, 2015 йилда 155 мингдан ортиқ ҚД билан касалланган аҳоли рўхатга олинган [3, 4, 5].

ЎТК билан оғриган беморларнинг аксарияти кекса ёшдаги инсонлар бўлиб, уларда турли хил ёндош касалликлар ва МС билан биргаликда келиши аниқланган. Кўп йиллар давомида бутун дунёда ЎТК ва МС одатдагидек ёши катта одамлар патологияси ҳисобланар эди, аммо бугунги кунга келиб жуда кўплаб эпидемиологик изланишлар натижасида ёшлар орасида ҳам барқарор кўтарилиш тенденциясига эга бўлиб қолмоқда. Эрта ёшдаги болалар орасида ЎТК ва МСнинг биргаликда, кўплаб учраши хомиладорлик вақтидаги холестериногенезнинг бузилиши билан боғлиқ. Бир қатор изланишлар маълумотларига қараганда ЎТК ҳамда МС охириги ўн йилликда болалар орасида ўн баробарга (0,1 % дан 1,0 % гача) ва катта ёшдаги одамларда эса икки баробарга кўтарилиши кузатилган [18, 28, 30, 52, 53].

ЎТК, семизлик билан ҚД касаллиги бир бири билан яқиндан боғлиқлигини биринчи марта 1875 йилда француз шифокори А. Bouchard таърифлаб берган. Тибет тиббиётида ҳам VIII асрларда камхаракат, ногўри овқатланадиган семиз беморларда сийдик таркибида қанд миқдори кўпайишини ва бу ҚД касаллиги эканлигини айтиб ўтишган [35].

XX асрнинг охириларида Framingham Study, Health Professionals' Follow-Up Study ва The Nurses' Health Study кенг қўламли илмий изланишларида семизлик ҚД касаллиги учун асосий хавф омиллиги эканлиги ишончли тарзда тасдиқланган. Ҳамширалик саломатлиги (The Nurses' Health Study) текширув натижаларига кўра ҳар бир килограм ортиқча тана вазн 4,5%га ҚД билан касаллиниш даражасини оширар экан. 8-9-10 кг ортиқча тана вазнга эга бўлишлик ҚД касаллигини 2,7 баробарга оширади. Ортиқча тана вазнга эга бўлишлик ҚД касаллиги келиб чиқишининг бир омилли бўлиб, ҳозирги кунда барча ҚД билан касалланган аҳолининг 20%ида семизлик аниқланади [28, 43].

Кенг қамровли эпидемиологик текширувларда аниқланишича ЎТК ни келтириб чиқарувчи хавф омилларига муҳим ўринда генетик мойиллик, гиперлипидемия ва аёл жинсига мансуб инсонлар кириши тасдиқланган. Қўшимча хавф омиллари эса, ёш билан боғлиқ бўлиб 50 ёшдан ошган аҳоли орасида, ҚД билан касалланган беморлар, гиподинамия, калорияси юқори ёғ ва углеводларга бой озиқ овқат истеъмол қилувчилар кириши аниқланган. Эркакларда қўшимча хавф омиллари бўлиб меъёридан ортиқ тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, камҳаракатлилиқ ҳамда йирик шаҳарларда истикомат қилиш бўлса, аёлларда эса, хомиладорлик ва репродуктив даврда, эстероген препаратларини, узоқ муддат давомида орал контрацептик препаратларни қабул қилиши аниқланган [19, 44].

Сўнги йилларда ЎТК ва МС синтропиясининг ўзаро боғлиқлиги кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат эътиборида бўлган, аммо хозргача ушбу касалликлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўлиқ ўрганилмаган бўлиб ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда. Баъзи тадқиқотчилар МСнинг даражасига қараб ЎТКни келиб чиқиши мумкинлигини аниқлаганлар [18].

МС патогенезида инсулинорезистентлик, гиперинсулинемия, гиперлипидемия, гипергликемия асосий ўринда туради. ЎТК ҳамда МС биргаликда келганида 20% ҳолларда гипергликемия, 38,18%да углеводга толерантлик бузилишлари, 25,46% ҳолатда ҚД касаллиги ва 16,36% ҳолларда углевод алмашинув бузилмаслик ҳолатлари кузатилган. ЎТКнинг турли босқичларида айниқса ўт қопада тошлар ҳосил бўлишининг илк даврларида инсулин миқдори юқори бўлиши аниқланган ва бу гиперинсулинемия ЎТК келиб чиқишида асосий хавф омилларига киритилган [7].

Бир неча йиллик клиник амалиётдан маълумки ЎТК билан касалланган аёллар барчасида ҳам МС ёки семизлик аниқланмайди. Бунда ҳолларда ушбу гуруҳ беморларда нисбий базал гиперинсулинемия бўлиб, иммунореактив инсулин базал концентрацияси юқори ҳисобланади. ҚД касаллиги билан оғриган беморлар, контрацептик воситаларни орал ёки парентерал усулда қабул қилувчи, 40 ёшдан ошган ва кўп туғувчи аёллар, метеоризм ва семизлиги бор инсонлар ЎТКга мойил бўлишади [16].

ЎТК билан касалланган кўпчилик беморларда липидпероксидация жараёнлари активлиги ошиши кузатилган бўлиб, липидпероксидация жараёнлари эса қон зардобидаги липопротеидлар миқдорини бошқариши издан чиқиб МС билан касалланган беморларда холестеринли тошлар ҳосил бўлишига олиб келиши кузатилган [12].

ЎТК ва МС билан оғриган беморларнинг касалликни ривожланиши эрта босқичларида дислипидпротеидемия яъни гиперхиломикронемия, гипер- β -липопротеинемия, гипо- α -липопротеинемия ва гипертриглицеридемия билан тасвирланади. Бошқа бир илмий текширув ишларида ЎТКнинг турли босқичларида липидлар спектрининг биргаликда бузулишлари яъни гиперхолестеринемия, триглицерид, паст зичликли липопротеид миқдорининг ошиши ва гипо- α -липопротеинемия бўлиши аниқланган [1, 13, 21].

Гепатоцитлар мембранасида кам зичликли липопротеинлар рецепторлари функциясининг пасайиши ёки сонини камайишидан холестеринни жигардан чиқарилиш транспортировкасини бузулиши ҳам ЎТК ва МС ривожланишининг бир сабаби бўлиши мумкин деб қаралади. Бундан ташқари холестеринни оксидланиш даражаси пастлигидан ҳам гиперхолестеринемияга сабабчи бўлиши бир қанча илмий адабиётларда келтирилган. Кўпчилик соҳа мутахассислари ЎТК ва МС биргаликда келганида липидлар метаболизми бузилишларини яъни қон зардобида умумий холестерин миқдорининг баланд бўлиши ҳамда ўт суюқлигининг холестеринга тўйингалигини аниқлаганлар [21].

Бир қатор манбаларда ЎТК ва МС биргаликда учрашида гиперлептинемия ҳамда гипoadипонектинемия билан боғлиқлиги, ортиқча тана вазнига эга аҳоли орасида инсулинорезистентлик ва ЎТК ривожланиши қон зардобидаги лептин даражаси билан ўзаро боғлиқ эканлиги аниқланган. Олиб борилган айрим тадқиқотларда лептин холестеринни эрта кристаллизацияси ва ўт пуфагида тошлар ҳосил бўлиши аниқланган, аммо бошқа тамондан лептин липидларнинг ўт суюқлигига ажралишини ва холестеринга тўйинишини камайтиради, лептин ўт суюқлигининг гидрофоблигига таъсир қилмасдан гидрокси-метил-глутарил-Ко-А-редуктаза фаоллигини камайтириб, жигарда холестерин тўпланишини олдини олади ва қон зардобидаги юқори зичликли липопротеин миқдорини камайтириши аниқланган [34].

ЎТК ҳосил бўлишининг умумий белгиларидан бири бу семизликдир. Ортиқча тана вазнига эга бўлган аҳоли ўт суюқлигида холестерин миқдори ўт кислотаси ва фосфолипидларга нисбатан баландлигидан ўт суюқлигининг литогенлик индекси юқорироқ бўлади, бу эса холестериннинг эрта кристаллизацияси ва ўт тошларининг ҳосил бўлишига олиб келади [25].

Асосий ўринда ўт қоғида тош ҳосил бўлиши, жигарда липид алмашинувининг бузилиши орқали холестерин ажралиши ошади ва сафро суюқлигида холестерин моногидрат кристалларидан чўкма пайдо бўлади. Функционал жihatдан ўзгарган гепатоцитларнинг метаболик бузулишлар шароитида холестерин миқдори ошиши билан нотўлиқ ўт мицелласи синтезланади ва фосфолипид миқдори камаяди, бу эса ўт суюқлигининг литогенлигини оширади. Ўт қоғидаги холестеринга тўйинган ўт суюқлиги ўз навбатида ўт қоғи деворидаги муцин ажралишини кўпайтиради ва натижада ўт суюқлиги микролитларининг агрегацияси ошади. Кўпчилик илмий изланишларда ЎТК, МС билан биргаликда келганида қон зардобида айниқса, нуклеация пайтида инсулин миқдори юқори даражада бўлади [32, 64].

Охири пайтдаги экспериментал изланишлар ва клиник кузатувлар шуни кўрсатадики, семизликда, ўт суюқлигида доимо холестериннинг юқори миқдорида бўлиши ўт қоғи деворида ёғли инфилтрацияси пайдо бўлади (холецистостеатоз) [39, 65].

О.В.Гаус ва В.А.Ахмедовларнинг илмий изланишларида, МС белгилари бор аҳоли орасида ЎТК пайдо бўлиш эҳтимоллиги юқори эканлигини билдирганлар. Ўт қоғида тош ҳосил бўлиш даражасини ёш, семизлик даражаси, биохимик қон таҳлиллардан гамма-глутамил-транспептидаза (ГГТП) ва иммунологик параметрлардан матрикс металлопротеиназа-9 (ММП-9), тўқима ингибитори матрикс металлопротеиназа-1 (ТИМП)ларнинг миқдори юқори бўлиши билан боғлайди [17].

МСнинг ривожланиш сабабларидан бири бу ташқи омил яъни ёғли озиқ-овқат маҳсулотларини кўплаб истеъмол қилишдир. Инсон танасида кўплаб ёғ массаларининг тўпланиши кўпроқ тўйинган ёғ кислоталарини ўз ичига оладиган хайвон ёғ маҳсулотларини

истеъмол қилиши билан боғлиқлиги кўплаб кузатилган. Организмга меъеридан ортиқча қабул қилинган ёғлар миқдорининг сарфланишидан ошиб кетадиган бўлса тўйинган ёғ кислоталари хужайра мембранасидаги фосфолипидлар структурасининг ўзгаришига ҳамда инсулин сигналининг хужайрага ўтказилишини бошқарувчи генлар экспрессиясининг бузилишига олиб келиши аниқланган. Бундан ташқари ёғлар калория жиҳатидан оқсил ва углеводларга нисбатан юқори туради яъни 1 грамм ёғда 9 ккал, 1 грам оқсил ҳамда углеводларда эса 4 ккалдан [2, 36].

МС ва унинг компонентлари инсонлар хаёт сифатининг ёмонлашувига, эрта ногиронликга ҳамда муддатдан олдин ўлимга олиб келишини тиббий амалиётимиз давомида кўплаб кузатмоқдамиз ва бу жараёнлар бир қанча илмий адабиётларда ҳам батафсил ёритилиб берилган. МС кузатилган беморларда юрак қон томир патологияларидан ЮИК, ИМ, БМҚАЎБ, АГ ҳамда гепатобиллиар патологиялардан ЎТК ва биллиар гепатит (биллиар цирроз) каби қўшимча касалликлар ривожланиш хавфи 2,5 баробарга ортиши аниқланган [37].

МС висцерал ёғ массасининг кўпайиши, периферик тўқималарнинг инсулин ва гиперинсулинемияга сезгирлигининг пасайиши билан тасвирланиб, бунинг натижасида липид, углевод ва пурин алмашинувининг бузилишларини келтириб чиқариши билан баҳоланади.

МСнинг илк асосий белгилардан бири бу марказий типдаги семизликдир (абдоминал семизлик ёки висцерал семизлик). Эркаларда бел айланаси 80 смдан ва аёлларда 94 смдан юқори бўлса висцерал семизлик ташхисини қўйиш мумкин. Қўшимча белгилардан АҚБ нинг баланд бўлиши ($\geq 140/90$ мм см.ус.), қондаги триглицерид миқдорининг баландлиги ($\geq 1,7$ ммоль/л), қондаги ХС юқори зичликли липопротеид (ЮЗЛП) миқдорининг камайиши (эркаларда $<1,0$ ммоль/л; аёлларда $<1,2$ ммоль/л) [39].

МС патогенезида 3 хил механизм ажралиб туради. Булар висцерал семириш, ҚД ва гипертония бўлиб (ўзаро бир бири билан боғлиқ ҳолда) ҳар қандай метаболик ҳамда гемодинамик жараёнларни патологик ўзгаришларига олиб келиши кузатилган. Семизлик билан боғлиқ бўлган гиперинсулинемия ва бошқа метаболик касалликлар танадаги маълум даражада тарқалганлиги билан кузатилиши аниқланган. Масалан, висцерал семизликда организмдаги ортиқча ёғлар мезентерия ва катта чарвида йиғилади. Ушбу тур семизликда 2 тип ҚД ва юрак қон томир патологиялари ривожланиш эҳтимоллигини оширади. Висцерал ёғ тўқималари (тери ости ёғ тўқимасидан фарқли равишда) кучли ривожланган иннервация ва капиллярларга бой бўлиб бевосита портал тизими билан алоқада бўлади. Ёғ хужайраларда (адипоцитлар) триглицеридлар (ТГ) парчаланаяди ва эркин ёғ кислотаси (ЭЁК) ҳосил бўлади кейинчалик улар тўғридан-тўғри жигар портал венасига ўтади. Жигарда ЭЁКларнинг миқдори ошиши гликолиз, гликогенез ва кребс цикли ферментларини фаоллигини сусайтиради ҳамда жигарда глюконеогенезнинг кучайишига олиб келади. Жигарда ЭЁКлари миқдорининг ошиши инсулинни гепатоцит рецепторлари билан боғланишини пасайишига олиб келади ва бу эса инсулинрезистентликни ривожланиш механизми ҳисобланади. Жигарда ЭЁКларнинг кўпайиши жуда кичик зичликли липопротеидлар (ЖКЗЛП) синтезини фаоллаштиради. ЖКЗЛП лар ТГ лардан иборат бўлиб, қонда ТГ миқдорининг ошиши гиперлипидемия ва инсулинрезистентликни кучайишига олиб келади. Шундай қилиб инсулинрезистентликнинг ривожланиши организм умумий тана вазнига эмас, балки, висцерал ёғлар миқдорига боғлиқ бўлиб, асосий ўринда ЭЁК ҳисобланади. Бундай ҳолларда инсулинрезистентлик висцерал семизликдан кейин ривожланиши аниқланган. Шу билан биргаликда, висцерал семизлик (инсулинрезистентликнинг дастлабки аломати) иккиламчи бўлиб, инсулинрезистентлик ва гиперинсулинемия натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Гиперинсулинемия ҳамда инсулинрезистентлик биргаликда ёғларнинг тўпланишига, адипоцитларда глюкоза ва ёғларнинг чўкишига замин яратади. Бошқа томондан гиперинсулинемия ёғларнинг парчаланиш жараёнларни издан чиқариб семизликнинг кучайишига олиб келади. Юқоридагилардан ташқари гиперинсулинемия гипоталамус марказларига таъсир қилиб гиперфагияга олиб келади ва натижада семизлик янада кучли ривожлана боради [10, 13, 35, 45, 66].

ЎТК ва МС касаллиги ривожланишида липидлар алмашинуви бузилиши муҳим аҳамият касб этади. Жигарда липидлар (холестерин (ХС), фосфолипидлар (ФЛ), триглицеридлар (ТГ)) ва липопротеинлар (ЛП) метаболизмга учрайди. Липидлар сувда еримайди, липопротеинлар гидрофоб ҳисобланади ва сирти гидрофил бўлганлиги учун қон плазмасига ўтиши аниқланган. Холестериндан ўт кислотаси, стероид гормонлар ва Д витамини ҳосил бўлади. Эндоген ва экзоген холестеринлар фарқланади. Эндоген холестерин кўп ҳолларда жигарда ҳосил бўлади ва умумий холестериннинг 2/3 қисмини ташкил қилади, экзоген холестерин эса овқат билан ташқи муҳитдан организмга киради ва умумий холестериннинг 1/3 қисмини ташкил қилади. Экзоген холестерин ёғли мицелла бир қисми сифатида ичакда сўрилади. Мицеллалар ингичка ичак эпителий хужайралардан сўрилади ва холестерин гепатоцитларга етиб бориб ўт суюқлиги билан чиқарилади. Эндоген холестерин жигар хужайралардаги ва ичак шиллик қаватидаги ацетил-КоА дан ҳосил бўлади. Жигар хужайралардан холестерин, холестерин эфери, ўт кислотаси ва эркин холестерин кўринишида ҳосил бўлади. Холестерин ажралиши ва ҳосил бўлиш жараёни мувозанатининг бузилишидан ЎТК келиб чиқади [9, 18, 21, 46, 47, 54].

Ўт кислотаси энтерогепатик циркуляция натижасида жигарга келгач, холестериннинг оксидланишида иштирок қиладиган жигар ферменти ингибитори сифатида таъсир қилади. Шунинг учун ўт кислотасининг нажас билан чиқиши кўпайса, холестериннинг оксидланишига ва организмдаги миқдори камайиши олиб келади. [24].

Фосфолипидлар ҳам худди холестерин каби хужайра мембранаси таркиби ҳисобланади ва организмдаги барча тўқималарда учрайди. Фосфолипидлар қон плазмасининг ва хужайра мембранасининг асосий қисми фосфатидилхолин (лецитин) сифатида ифодаланиб ўт пуфагининг яллиғланиш жараёнида асосий рол ўйнаши мумкин. Фосфолипидлар ўт суюқлигига аввало холестерин билан биргаликда фосфолипид-холестерин кўринишида, кейинчалик холестеринга тўйинган мицелл ва охирида кристаллар ҳосил бўлади [22, 28, 48].

Липопротеинлар – оксиллар ҳисобланиб холестерин, триглицерид ва бошқа малекулаларни етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Липопротеин таркибида холестерин, триглецирид, фосфолипид ва аполипидлар мавжуд. Липопротеинлар ички қисми (ядроси) гидрофоб ҳисобланиб таркиби холестерин ва триглециридан иборат. Ташқи қисми эса гидрофил бўлиб таркибида фосфолипид, эркин холестерин ва аполипидлардан иборат. Аполипидлар липидлар алмашинувида яъни етказиб бериш ва олиб кетишда, холестерин ва триглециридларни эритишда иштирок қилади [32, 38].

МСнинг келиб чиқишида генетик мойиллик асосий хавф омиллардан бири ҳисобланади. Бир қанча илмий адабиётларда 19 хромосомада жойлашган инсулин рецепторлари генининг 50 дан ортиқ мутациялари тасвирланган. МСнинг кўринишларидан бўлган семизлик ва қандли диабет касаллиги бор беморлар оилаларида ҳамда авлодларида ҳам шу касалликлар учраш ҳолатлари кўпайиб учраган [23, 33, 56, 68].

ЎТК ва МС синтропиясининг этиологик омиллари атроф муҳит ва генетик бўлиши аниқланган. ЎТК ва МС ривожланишида кўпчилик тадқиқотчилар липидлар метаболизи бузилишини илгари сурадилар. Қон зардобиддаги липидлар, уларнинг метаболизи ирсият билан боғлиқлиги кўпчилик илмий адабиётларда ўз исботини топган бўлиб юқори зичликли липопротеидлар 40-60%, паст зичликли липопротеидлар 40-50%, триглицеридлар эса 35-48% ҳолларда генлар полиморфизми орқали бузулиши аниқланган [20, 26, 29, 57, 67].

Инсонлар популяциясининг 25%ида холестерин транспортировкасини бошқарувчи ABCG8 генининг умумий мутациялари учраб, бу ҳолатда ЎТК ва МС ривожланишининг асосий омиллардан бири эканлиги аниқланган. Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ABGG8 19Н литогенлик вариантыни ташувчи ген бўлиб, қон зардобидда стерол миқдори камайиши ва холестериннинг ошиши билан унинг сўрилиши камайиши ҳамда биосинтезининг фаоллашуви билан намоён бўлади. Бу жараён клиник амалиёт жиҳатидан жуда аҳамиятли бўлиб даволаш профилактика ишларида HMG-Co-A редуктаза ингибиторлари қон зардобидда холестерин миқдорини камайтиришда самарали ҳисобланиши аниқланган [40, 49, 50, 60, 61].

